ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

ТАРИХ ФАНЛАРИНИ КУРСЛАРАРО УЗВИЙЛИК АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Саодат Тоштемирова
Чирчиқ давлат педагогика институти

Азизахон Тўраева
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада умумий ўрта таълим муассасаларида тарих фанларини ўқитишда курслараро узвийлик асосида амалга оширишга қўйилган талаблар бўйича фикр-мулоҳаза юритилган. Давлат таълим стандартида тарих фанларини ўқитиш бўйича белгиланган компетенциялар, уларнинг стандарт даражалари ва улардаги минимум талаблар асослаб ўтилган. Тарих фанларини курслараро узвийлик ва изчилликда ўқитишнинг методик асослари келтирилган.

Калит сўзлар: узвийлик, изчиллик, талаблар, стандартлар, даражалар, компетенция, билим, кўникма, малака, услубий бирлашма, кластер, интеграция, узвийлик тамойиллари

ROUTING THE UNANNOUNCED KARLARKU IS FOUNDED BY THE CHLENIYULI AMESHIRISHGA BAYALIGAN

ABSTRACT

In this article, opinions on the requirements for the implementation of the course on the basis of harmony in the teaching of historical sciences in general secondary educational institutions are made. In the state educational standard, the prescribed compartments for teaching historical sciences, their standard levels and the minimum requirements for them are justified. The methodological bases of teaching Historical Sciences in harmony and consistency are presented.

Keywords: consistency, consistency, requirements, standards, levels, competency, knowledge, skills, qualifications, methodological combination, cluster, integration, principles of integration

КИРИШ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

Узлуксиз таълим жараёни илмий-педагогик тамойилларга амал қилгандагина ўз олдига қўйган мураккаб муаммоларни еча олади. Таълим жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиб, дарс самарадорлигини ошириш учун эса энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга тамойилларни белгилаган ҳолда унга қуйиладиган талабларни бажармоқ зарур. Бу талаблар таълим-тарбиянинг давр талабига мослиги, педагогик жараёнда объектив ва субъектив жараёнларнинг уйғунлиги, таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод ва воситаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги каби таълим кластерининг умумий қонуниятлари ҳамда тамойилларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бу каби талабларни аниқлаш учун тарих таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиш лозим. Тарих фанларини ўқитишда умумтаълим мактабларида ҳамкорликдаги таълим кластерларини ташкил қилиш энг самарали механизм бўлиб, бунда олий ва умумий ўрта таълим муассасаларининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосидаги таълим турлари интеграцияси ҳамда тарих фанларини ўқитишда курслараро узвийликни таъминлашга асосланган таълим мазмуни интеграцияси муҳим бўлиб, бу интеграциялар таълим самарадорлигини оширишда долзарб аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамиз мактабларида тарих ўқитиш методикасига бағишланган илмий тадқиқотлар ва методик қўлланмалар Т.Тошпўлатов, Н.Ремеев, Я.Ғаффоров ишларида келтирилиб ўтилган. Шу билан бирга бир қатор етакчи олимларимиз, А.Асқаров, Р.Муқминова, Ҳ.Бобобеков, А.Муҳаммаджонов ва бошқалар томонидан умумий ўрта таълимда тарих фанларини ўқитиш ва бу жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ бирмунча ишлар амалга оширилган.

Фанлараро, курслараро ва фан ичидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш зарурлиги масалаларига буюк педагог олимлар, жумладан, Я.А.Коменский, Ж.Локк, И.Г.Песталоцци, А.Дистервег, И.Ф.Герберт, О.Вильман, К.Д.Ушинскийлар жиддий эътибор бериб келган. Улар бу муаммони тўғри ҳал этилиши пухта ва тизимлашган билим асосларини шакллантириш омили деб ҳисоблаган. Чунки, тарихий босқичларда тўпланган билимларни ўзига хос равишда жамлаган фалсафа фанидан кейинчалик, хусусан Уйғониш даврида, инсоният билимларининг гуркираб ривожланиши шароитида мустақил фан тармоқлари ажралиб чиқа бошлаган. Натижада, фанларни табақалаштириш жараёни бошланиб, бу ўз навбатида мактаб фанлари орасидаги табиий,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

диалектик алоқаларга катта салбий таъсир кўрсатган. Буни табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабатлари (бутун борлиқ мувозанатдан, яъни ўзаро боғлиқликдан иборат эканлиги) ҳақидаги билимларга қаршилик қилиш билан асослаш мумкин.

Россиялик олимлар П.Г.Кулагин, О.И.Бахтина, Н.И.Воржейкина, Н.И.Запорожец, А.Г.Колосков, А.А.Вагин, Е.Ф.Головкина каби олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ва қўлланмаларида тарих ўқув фанларида фанлараро, курслараро, фанлар ичидаги алоқаларнинг аҳамияти, уни амалга ошириш йўллари, воситалари, усул ва шакллари хусусида илмий фикрлар баён қилинган. Лекин ушбу илмий муаммо Россия тарихи ва жаҳон тарихи мисолида кўрсатилиб, уларнинг аксарияти коммунистик дунёқараш назариясига таяниб тадқиқ этилган.

Республика мактабларидаги тарих таълимининг хусусияти икки мустақил курс сифатида ўқитиладиган жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг энг қадимги давридан ҳозирги кунгача рўй берган воқеа ва жараёнларини хронологик изчилликда ўрганишдан иборат. Т.Тошпўлатов, А.Саъдиев, Н.Ремеев, С.Т.Маҳкамов, Я.Ғаффоров каби олимларнинг илмий ишлари, мақола ва қўлланмаларида жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихи курсларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш хусусида фикр юритилган ва илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Тарих фанларини курс, бўлимлараро узвийликда ўрганиш бир қатор алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Биринчи навбатда жаҳон ва Ўзбекистон тарихи курслариаро узвийликни таъминлаш масаласининг педагогик назария ва таълим амалиётидаги ҳолатини назарий таҳлил қилиш лозим. Тарих таълимида курслараро боғланишлар воситасида таълим самарадорлигига эришишнинг илмий-педагогик тамойилларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўрта таълим мактабларининг жаҳон ва Ўзбекистон тарихи дарсларида курслараро узвийликни таъминлашга қаратилган мақсадга мувофиқ методик шакл ва усулларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини илмий асослаш ва курслараро алоқа асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантирувчи турли методик тавсияларни ишлаб чиқиш муаммонинг ечимига нисбатан самарали усул ҳисобланади. Бундан ташқари тарих фанларини ўқитиш жараёнлари ва дарсдан ташқари машғулотларда курслараро боғланиш орқали ўқувчиларда тарихий билимлар узвийлиги, миллий ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантирувчи самарали воситаларни белгилаш ҳам мумкин.

Тарих фанларини курслараро узвийликда олиб боришда тарихий, педагогик, психологик ва методик тадқиқотлар ва шунга мувофиқ адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методларидан фойдаланилади. Таълим амалиёти ва унинг методик таъминотини кузатиш, дарсларни таҳлил қилиш, ўқитишнинг оммавий ва индивидуал тажрибаларини умумлаштириш методлари ҳам катта аҳамиятга эга.

НАТИЖАЛАР

Тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишда таълим турлари ўртасида ташкил қилинган таълим кластери фаолиятини йўлга қўйиш дастлаб ўқув жараёнларидаги курслараро боғланишнинг услубий шароитлари ва шаклларини аниқлаш, сўнгра уни амалиётга жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари усул ва воситаларини ишлаб чиқишни назарда тутади. Бу соҳага нисбатан инновацион ёндашув сифатидаги кластер моделини татбиқ этиш шуни кўрсатадики, ўқитувчиларни ўқитишнинг самарали усулларини танлашга ўргатиш учун мактабда муайян ташкилий-педагогик шароитлар, “мактаб-лаборатория”лар яратилган бўлиши керак. Тарихдан фанлараро, курслараро ва курс ичидаги алоқаларни мувафаққиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан тарих фанлари бўйича мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Умумий ўрта таълим муассасаларидаги тарих фанлари ўқитувчиларининг услубий бирлашмалари ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича жамоа услубий ишининг энг кўп тарқалган шакли ҳисобланиб, уни ушбу муаммо бўйича тўғри йўналтириш самарали усуллардан саналади. Чунки, мактаб фан услубий бирлашмалари ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажариб, услубий хизматни амалга оширувчи энг қуйи бўлим ҳисобланади. Зеро, педагогика соҳасидаги барча янгиликлар бевосита бирлашмалар орқали ўқитувчига етиб бориб амалиётга жорий этилиши лозим. Аксарият умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган тарих фани услубий бирлашмалари ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларни ўзида бирлаштирган. Ушбу фанлар учун умумий бўлган дунёқараш йўналиши бирлашма аъзоларининг муаммо бўйича ягона услубий мавзу устида иш олиб боришларига қулай имконият яратади. Шунинг учун услубий бирлашма иш режасига мазкур муаммони дарс самарадорлигини ошириш омили сифатида киритишни зарурлигини кўрсатди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

Ўқитувчиларнинг дарс жараёнида курслараро алоқаларни амалга оширишга тайёрлашни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин; таништириш, курслараро ва курс ичидаги боғланиши мумкин бўлган мантиқий алоқаларни режалаштириш ҳамда мазкур алоқаларни дарс ва дарсдан ташқари ишларда рўёбга чиқариш.

Биринчи босқичда услубий бирлашма аъзоларини муаммонинг назарий асослари ва уни амалга оширишнинг шакл ва усуллари билан таништиришни назарда тутади. Биринчи навбатда бу соҳадаги Давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмуни билан чуқурроқ таништириш мақсадида маслаҳатлар берилади. Улардаги материални муаммо нуқтаи назардан характери, мантиқий баёни, тарихий тушунча ва атамалар, савол ва топшириқлар тизими, иллюстрациялари ва ҳужжатлар, харита, чизма, жадваллар, расмлар ҳамда бошқа қўшимча манбалар билан яқиндан таништирилади.

Курслараро ва курс ичидаги боғланиши мумкин бўлган мантиқий алоқаларни режалаштиришда эса, ушбу алоқалар тизими режалаштирилади, бунинг мактаблардаги энг оммавий шаклларидан бири тавқимий-мавзуий режа бўлиб, унда мазкур боғланишларга алоҳида бўлим ажратилади. Аммо, бу юқорида қайд этилган курслараро алоқалар ўрнатишнинг турли шаклларини ҳаммасини ҳам қамраб ололмаслиги маълум. Шунга кўра, таълим кластери шароитида, олий таълим профессор-ўқитувчилари ва шу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган амалиётчилар томонидан ДТС, дастур, дарслик орасидаги изчилликни мустаҳкамлаб, синфлар кесимида жаҳон ва Ўзбекистон тарихи дарслари ва дарсдан ташқари шаклларга интеграцион ёндашиш асосида таълим мазмуни узвийлиги, ўқувчиларининг билим сифатини ДТСга мувофиқлигини таъминловчи тарих дарсларини мавзуий режалаштириш ва ҳар бир мавзу юзасидан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қўйиладиган минимал талаблар бўйича услубий тавсиялар тайёрлаб ўқув жараёнига татбиқ этилиши долзарб масалалардан саналади.

Услубий тавсияларда ДТС ва ўқув дастурида умумий тарзда берилган минимал талаблар, яъни ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар мавжуд ўқув-услубий мажмуаларнинг мазмуни, дидактик жиҳатлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир мавзуга нисбатан белгиланади. Шунингдек, курслараро алоқани боғлаш мумкин бўлган мавзулар кўрсатилади. Бунда таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олиниши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

мақсадга мувофиқ. Жумладан, ДТСда белгиланган меъёрлардан ортиқча, яъни ўқувчиларнинг асосий билим, кўникма ва малакаларига нисбатан қўйиладиган минимал талаблардан юқори даражадагилари ҳам аниқлаб берилиши мумкин. Булар эса ўқитувчилар томонидан дарс бериш услублари тўғри танланиши, тарих таълимининг тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари ҳамда илмий муаммо мақсадини тўлақонли рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

Тарихни курслараро ўрганиш ўқувчилар билимини узвийлигини таъминлашга хизмат қилиб, бу ишларни амалга оширишда юқорида таъкидлаб ўтилган услубий бирлашмалар муҳим ўрин тутади. Услубий бирлашмаларнинг асосий вазифалари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ДТС талаблари доирасида бўлишини назорат қилиб бориш билан бирга, улар билимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб, таълим самарадорлигига эришишдан иборат.

МУҲОКАМА

Юқоридаги услубий тавсиялар асосида дарсларни ташкил қилиш ҳамда ўқувчилар томонидан ўзлаштириш кўрсаткичларини юқорига кўтариш, билим даражаларини аниқлаш ва баҳолаш учун мактаблардаги тарих услуб бирлашма аъзоларига амалий ёрдам тариқасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ҳам ДТС, дастурга мувофиқ ҳолда бир қатор тавсияларини бериб бориши тарих фанларидан сифатли мактаб битирувчисига истеъмолчи бўлган олий ўқув юрти ижтимоий буюртмасини талабларга мувофиқ таъминланишига ёрдам беради. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида тарих фанини ўрганиш бўйича талаблар белгилаб қўйилган.

Тарих ўқув фанидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг намунали мезонларини ҳам бевосита ҳамкорликдаги тавсиялар асосида мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Тарих фани ҳар бир синф ўқувчиларнинг билим савияси, кўникма ва малакасини беш баҳоли тизим асосида баҳолаш давомида умумий ўрта таълим мактаблари учун тарихдан ДТС ва ўқув дастурида ифода этилган асосий талаблар эътиборга олиниши зарур. Умумтаълим мактабларида тарих ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ўқувчиларда тарихий онг ва тарихий тафаккурни шакллантириш, дунё халқлари ҳамда кўп миллатли халқимизнинг тарихи ва бугунги кунига, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ўқувчиларга давлатчилигимиз тарихи жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

эканлигини англатиш, ўқувчиларда таянч ва тарих фанига оид умумий ва кучайтирилган компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

Тарих фанларини ўқитишнинг асосий вазифалари эса, ўқувчиларга давлатчилигимиз тарихи жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми эканлигини англатиш, аждодларимизнинг маънавий мероси ва жасоратларидан ибрат олишга, уларга муносиб ворис бўлишга ўргатиш, ўқувчиларни тарихий воқеаларни идрок этишга йўналтириш орқали уларнинг ўзлигини англаш, шахс сифатида камол топишига ёрдам берадиган тушунчалар, миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат.

Давлат таълим стандартларига кўра, тарих фанлари бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантиқий изчилликда тушунтира олиш ҳамда тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенцияларини эгаллаш ҳисобланади.

1. Тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантиқий изчилликда тушунтира олиш компетенцияси бир қатор ўрганиш даражалари билан белгиланган.

Тарих фанини ўрганишнинг бошланғич даражаси (A1) – бунда ўқувчи тарихда йил ҳисобини билиши, тарихга оид муҳим далил, воқеа ва жараёнлар ҳақида маълумот бера олиши, ўз фикр ва қарашларини баён этишда тарихий билимларидан фойдалана олиши талаб этилади. Тарих фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси (A1+)да эса, ўқувчи юқоридагилар билан бир қаторда тарихий жараёнларни кўргазмали тушунтира олиши лозим бўлади. Тарихий материални ўзлаштиришда жиддий камчиликлар бўлган, баён етарли даражада мустақил бўлмаган(дарслик матнини ёддан айтиб бериш), тизимга солинмаган, хулосаларда жиддий хатолар бўлган, далиллар асосли бўлмаган, кўникма намоён қилинмаган, оғзаки нутқ суст бўлган ҳолатларда ўқувчи БКМлари қониқарли, “уч” (3) баҳо билан белгиланади;

Тарих фанини ўрганишнинг таянч даражаси (энг қадимги даврдан XX аср бошларигача) (A2) – бу компетенция ўқувчида тарихда давр ва йил ҳисобини билишни, тарихий-географик макон ҳақида, Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг энг қадимги давридан XX аср бошларига қадар инсоният тарихида муайян из қолдирган муҳим воқеа ва жараёнлар ҳақида маълумот бера олишни, ўзбек халқининг шаклланиш босқичларини тушунтириб беришни, ўрганилган тарихий даврларга муносабат билдиришни, хулоса чиқаришни, давлатларнинг ташкил топиши, ҳудуди, аҳолиси ва бошқарув тартибларини тушунтиришни, ўзбек халқининг маданияти, маънавияти, дунёвий ва диний қадриятларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

равнақ топиши, уларнинг жаҳон цивилизациясига таъсири ҳамда мамлакатимиздаги тарихий-меъморий обидалар ҳамда илм-фан, давлатчилик ривожига ҳисса қўшган тарихий шахслар ҳақида маълумот бера олишни талаб этади. Тарих фанини ўрганишнинг таянч даражаси давом эттирилади (XX аср бошларидан ҳозирги кунгача бўлган давр) (B1) – бу тарих фанини ўрганишнинг умумий даражаси бўлиб, ўқувчидан тарихий-географик маконлар, Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг XX аср бошларидан бугунги кунга қадар бўлган инсоният тарихида муайян из қолдирган муҳим воқеалар, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар, Ўзбекистон давлатининг тинчликни асраш сиёсати, ташқи сиёсий фаолияти ҳамда ўзбек халқининг маданияти, маънавияти, дунёвий ва диний қадриятларининг ҳамда илм-фан, давлатчилик ривожига ҳисса қўшган мутафаккирлар номларининг тикланиши ҳақида маълумот беришини талаб қилади. Шунинг билан бирга бу компетенцияга эга ўқувчи ўрганилган тарихий даврларга муносабат билдириб, хулоса чиқара олиши, давлатларнинг ташкил топиши, ҳудуди, аҳолиси ва бошқарув тартибларини тушунтира олиши, тарихий воқеалар натижаси юзасидан муносабат билдириб, уларни умумлаштира олиши, баён қилиш ва хулоса чиқариши лозим бўлади. Тарихий материални ўзлаштиришда арзимаган камчиликлар ва хатоларга йўл қўйган, баён етарли даражада тизимли ва изчил бўлмаган, хулосалар исботланган бўлса-да, айрим ноаниқликларга йўл қўйилган, талаб қилинадиган барча назарий билимлар, кўникма ва малакалардан фойдаланилганда ўқувчи компетенцияси яхши, “тўрт” (4) баҳо билан белгиланилади;

Тарих фанини ўрганишнинг кучайтирилган умумий даражаси (B1+) – бунда ўқувчи тарих фанларининг энг қадимги давридан бугунги кунга қадар инсоният тарихида муайян из қолдирган муҳим воқеа ва жараёнлар, давлатларнинг ташкил топиши, давлат шакли, давлатдаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий жараёнлар, ички ва ташқи муносабатлар, ҳарбий салоҳият, инсоният цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ёзма маълумот бера олиши, тарихнинг даврларини таққослаш, тарих фанидан олган билимларини бошқа фанлар билан боғлай олиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ва ёзма муносабат билдириши этилади. Тарихий материал тўла ҳажмда ўзлаштирилган, жиддий хатоларсиз мантиқан баён қилинган, қўшимча саволларни талаб қилмайдиган, хулосалар назарий билимларга таянган(VII-IX синфлар), далиллар билан исботланган, жавоб бериш учун зарур кўникмалар қўлланилган, оғзаки нутқ яхши бўлган ҳолларда ўқувчи аъло, “беш” (5) баҳога

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

эга бўлади. Алоҳида мураккаб саволга қисқача аниқ жавоб учун ёки бошқа ўқувчи жавобини батафсил тузатгани ва унга қўшимча қилгани ҳамда фанлараро, курслараро алоқалардан ўринли фойдаланилгани учун ҳам аъло баҳо билан белгиланилади.

2. Тарих фанларини ўқитишда тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциясининг стандарт даражаларини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Стандартининг А1 даражасида тарихий иллюстрациялар асосида ҳикоялар тузиб, фикрини тарихий хариталар ва қўшимча материаллар (видеофильм, слайдлар) ёрдамида тушунтира олиши лозим бўлади. А2 даражада эса, энг қадимги даврдан XX аср бошларигача кечган тарихий воқеликни баён қилишда муҳим бўлган тарихий топономик атамалар мазмунини тушунтириши, қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдалана олиши, тарихий-бадиий асарлар, ОАВларида берилаётган маълумотларга тарихий билимлари асосида муносабат билдира олиши талаб этилади.

Тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциясининг В1 ва В1+ даражаларида ўқувчи юқоридаги компетенциялар билан бир қаторда тарихий манбаларни мустақил ўрганиши, мавзуга оид қўшимча маълумотлар тўплай олиши, хулосалар чиқариш, баҳолаш, мустақил фикр билдириш ҳамда мавзу юзасидан тарихий адабиётларни мустақил танлаган ҳолда лойиҳалар, тақдимотлар тайёрлай олиши белгиланган. Шу билан бирга мазкур компетенция эгалари ўз оиласининг шажарасини туза олиши ҳам мумкин[3].

Юқорида келтирилган ушбу Давлат таълим стандартининг талабларида фанлараро, курслараро алоқалардан ўринли фойдаланиш кўникмалари келтирилганлиги катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ўқувчиларнинг компетенцияларини стандарт даражалари асосида баҳолашда унинг ҳар бир даражасига нисбатан талаблар ўқувчиларнинг руҳий-физологик хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланиши лозимлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бунда ўқитувчи қўйган баҳосини адолат мезони асосида асослаб бера олиши кўзда тутилади. Тарих курсларини ўзаро боғлаб ўқитиш орқали дарс самарадорлигига эришиш учун мақсадга мувофиқ услубий усулларни танлашнинг асосий мезонларини белгилаш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, айрим шароитлар учун муваффақиятли, самарали бўлган нарса бошқа шароитлар, бошқа мавзулар учун номақбул бўлиб чиқиши мумкин. Оптимал уюштиришнинг муҳим услубий асоси хақиқатни аниқлиги, доимо аниқ шароитларни ҳисобга олишнинг зарурлиги тўғрисидаги диалектик қоидадир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

Бундай тарбиянинг ҳар қандай шароитлари учун яроқли махсус услуб, восита ёки шаклни топиш мумкин эмаслиги, ҳар бир аниқ ҳолатда мавжуд шароитларни баҳолаш ва ўқитиш жараёнида айнан мазкур вазият учун энг мақбул вариантни танлашнинг зарурлиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Ўқитувчи тарих фанларининг узвийлигини ўрнатиш юзасидан у ёки бу усулларни танлашда кўпгина боғланиш ҳолатларини ҳисобга олиши лозим бўлади. Чунки, дидактикада ўқув жараёнининг барча таркибий қисмлари ўзаро қонуний боғланганлиги аниқланган. Даставвал, дарсларда асосий мақсад ва ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вазифалар аниқланади. Улар эса белгиланган вазифаларга эришишнинг яроқли бўлган умумий тарздаги бир гуруҳ усулларини юзага келтиради. Сўнгра билиш жараёнини мақбул тарзда амалга ошириш имконини берувчи мақсадга мувофиқ оптимал йўлларини танлаш зарур бўлади.

Психологик-педагогик адабиётларда ўқитиш услубларини танлашга таъсир кўрсатувчи бир қанча сабаб ва омиллар аниқланган. Шу билан бирга илмий-тадқиқот натижалари тарихни курслараро алоқадорликда ўрганиш учун оптимал услубларни танлашнинг қуйидагилар билан аниқлаш муҳимлигини кўрсатиш имконини беради:

- таълим жараёнида амал қиладиган қонуниятлар ва ундан келиб чиқадиган илмий-педагогик тамойиллар билан;

- тарих фанининг мазмуни ва услублари билан умумий ва хусусий ҳолда (умумий ва хусусий педагогикага асосан);

- ўқитишнинг мақсад ва вазифалари билан;

- ДТС ва у асосидаги ўқув-услубий мажмуалар мазмуни ва характеридан, ўқитишга ажратилган вақтдан келиб чиққан ҳолда;

- ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари (синф жамоасининг хусусиятлари, ёши, психологик-физиологик, таълим-тарбиявий жиҳатдан тайёргарлик даражаси ва имкониятлари) асосида;

- ўқитувчиларнинг имкониятларига (назарий ва амалий тайёргарликлари даражаси, маълум услуб, воситаларни қўллаш қобилиятлари, энг мақбул вариант танлаш маҳоратлари, қизиқиш ва иштиёқлари, мулоқот маданияти, шахсий сифатлари ва ҳ.к.) кўра.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих таълимида педагогиканинг умумий қонуниятлари ва тамойиллари асосида курслараро

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

узвийликни таъминлаш орқали таълим самарадорлигига еришиш мумкин. Ўқитувчиларни дарс жараёнида курслараро алоқаларни амалга оширишга тайёрлашда фан услуб бирлашмаларига аниқ йўналиш бериб, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтириш лозим. Жумладан, ДТС асосида тарих фанидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг намунали меъёрлари тарих курсларини ўзаро боғлаб ўқитиш орқали дарс самарадорлигини оширишда мақсадга мувофиқ услубий усулларни танлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқиш лозим. Бунда ДТС ва ўқув дастури бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган минимал талаблар, ҳар бир мавзуга нисбатан аниқланиб, унда курслараро боғланишларнинг ўрни белгиланади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг курслараро алоқалардан фойдаланишларига омил бўладиган шароит яратувчи ҳамкорликдаги услубий тадбирлар тизимини ташкил қилиш мумкин, жумладан:

ўқитувчиларнинг тарих курслари бўйича ДТС ва барча ўқув услубий мажмуалар мазмунини чуқур ўрганиб, ундаги курслараро боғланиш имкониятларини аниқланган ҳолда тавқимий мавзуий режада уларни акс эттириши;

ўқувчиларнинг фанлар бўйича умумий ўқув кўникмаларини ривожлантириш юзасидан ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали ўқув материалларини ўтиш муддати, характери, уни тушунтириш ва мустаҳкамлаш услубига амал қилган ҳолда ягона талаблар тизими асосида ўқув фаолиятини юргизиш;

ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирилган билимларини эслатишга ўргатиш;

тарихий билимларнинг турли манбаларидан олган билимларини умумлаштирган ҳолда қўллашни талаб қилувчи курслараро муаммоли вазиятни яратиш;

ўқувчиларнинг тарихнинг иккала курсидан олган билимларига таяниб мушоҳада юритиш асосида жавоб топишга ундовчи турли топшириқларни мунтазам равишда қўллаш;

турли таёргарликка эга бўлган ўқувчиларнинг тарих курсларидан интеграцион амалий топшириқларни бажариш натижаларини баҳолашга табақалаштириб ёндашиш;

ўқувчиларнинг курслараро изчил алоқа юзасидан умумий ўқув ва фан бўйича асосий кўникмаларини мунтазам равишда шакллантириб бориш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

тарихни ўзаро алоқдорликда ўрганишнинг ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятига мослиги тамойилига асосланиб янги ўқув услубий мажмуалар мазмуни ва характеридан келиб чиққан ҳолда зарурий боғланишларни амалга оширишдан иборат.

REFERENCES

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (энг қадимги даврлардан–милоднингV-асригача). –Т.: Ўқитувчи, 1994. –222 б.
2. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. –Т.: Ўқитувчи, 1990. –229 б.
3. Бобобеков Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи(XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). –Т.: Ўқитувчи, 1994. –254 б.
4. Вагин А.А. Методика обучения истории. –М.: Просвещение, 1972. – 351 с.
5. Коменский. Я.А. Избранные педагогические сочинения. –М.: Учпедгиз, 1955. –656 с.
6. Toshtemirova, S.A. (2020). The quality of education is a pedagogical problem. Актуальные вопросы современной науки Материалы VI международной научнопрактической конференции, Саратов. 1(1), 39-40.
7. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров. Тарих ўқитиш методикаси. Т.Турон-Иқбол, 2010 й.
8. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ҒОяларнинг ахамияти. МуҒаллим ҳәм Үзликсиз билимлендириу, 1(1). 56-61.
9. Я.Х.Ғаффоров. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Т. Университет, 2015.
10. Mukhamedov G., Khodjamkulov U., Toshtemirova S. (2020). Innovative cluster of pedagogical education. Monograph, -T.: University, 280 p.
11. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
12. G'afforovYa.X. (2020). Methods for developing a system of teaching history and ibcreasing the effectiveness of teaching history.EPRA International journal of Multidisciplinary Research. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. 27 (07), 8104-8111.
13. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершшкке баулу идеясыныц кажетлп // "Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development" collection of scientific papers of the ii international scientificpractical conference. Актубе. P. 17-23.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00975

14. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. NamDU ilmiy axborotnomasi, 1(11), 361-367.
15. Gafforov. Ya., Toshtemirova. S. (2020). Ways To Increase The Effectiveness Of Education In An Integrated Environment. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(7), 647-655.
16. Toshtemirova S.A. (2020). Ta'lim va tarbiyaning demokratik hamda insonparvarlik tamoyili. Maktab va hayot, 1(1), 36-38.
17. Mardonov, S. K., & Toshtemirova, S. A. (2020). Classifying the educational system as an innovative approach. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 180-182.
18. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. 1 (86). - S.5.
19. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчик тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.